

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КУТУБХОНАСИ
ТАДБИРҚИЛДЎ ИНСТИТУТИ

2008 ЙИЛ, 26 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 37 (11.098)

Баҳоси эркин нархда

СЕУЛ УЧРАШУВЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 24 ФЕВРАЛЬ КУНИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.

Давлатимиз раҳбари 25 февраль кун Корея Республикасининг янги сайланган Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимини бажаришига расман қирғишга бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Сеул, 25 февраль. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Корея Республикасида 2007 йилнинг 19 декабрь кун бўлиб ўтган президент сайловида «Буюк мамлакат партияси»дан номзоди кўрсатилган Ли Мён Бак ғалаба қозонган эди.

Ли Мён Бак Жанубий Кореяда олий давлат лавозимини эгаллаган биринчи бизнес вакилидир. У 2002-2006 йиллари пойтахт Сеул мэри лавозимида ишлаган кезлари шаҳарда йirik ўзгаришларни амалга ошириб, халқ орасида ҳурмат ва шурат қозонди.

Корея Республикасининг янги сайланган Президенти хорижий давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш тарафдори. Бу мамлакатда Ўзбекистонга аънанавий дўст давлат сифатида қаралади. Қолаверса, иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган корейлар Ўзбекистонда самимий қутиб олинганини корей халқи ҳеч қачон унутмайди.

Президент Ислам Каримовнинг ушбу маросимда қатнашиши Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланишидан, икки томон ҳам ҳамкорликдан манфаатдор экани ва ўзаро алоқаларни юксак қадрлашдан далолатдир.

Шу кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ўзи учун ажратилган қароғоҳда «Lotte» меҳмонхонасида «Korean Air» компанияси президенти Янг Хо

Чёни қабул қилди.

«Korean Air» билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ўртасида ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Маъзур икки компания ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди. Таъкидлаш жоизки, «Korean Air» ҳаво транспортда юк ташиш борасида жаҳонда биринчи ўринда туради. Ушбу ҳужжат ҳамкорликда янги бозорлардан жой олишни, Ўзбекистон логистика инфратузилмасини ривожлантиришни, фуқаро авиациясини бошқаришда тажриба алмашишни, кадрлар тайёрлашда ҳамкорликни назарда тутати. Протоколга биноан Ўзбекистон Корея томонининг тақлифига биноан 2008-2009 йилларда «Sky Team» халқаро авиация альянсинга қўшилиши, йирик авиакомпанияларни бирлаштирган ушбу уюшма дунёда йўловчи ва юк ташиш бўйича қатновларнинг 35 фоиздан зиётида иштирок этади. Альянс билан ҳамкорлик «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг халқаро авиатранспорт тизимига интеграциясини янада кучайтиришига, парвозларнинг хавфсизлигини ошириш ва мунтазамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимиз раҳбари «Корея газ корпорацияси» («КОГАЗ») президенти Ли Су Хони ҳам қабул қилди.

Президент Ислам Каримовнинг Корея Республикасиغا 2006 йил март ойидаги давлат таширифи чо

ғида ушбу корпорация билан «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси ўртасида англашув ме-морандуми имзоланган эди. Бу ҳужжат Устюртдаги Сурғил қонида геология-разведка ишларини олиб бориш, қонларни ўзлаштириш, поли-этилен ва полипропилен ишлаб чиқариш учун қўшма корхона тузиши назарда тутати. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 1,84 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади.

Лойиҳада «КОГАЗ» билан биргаликда Жанубий Кореянинг «Lotte», «LG International», «SK Gaz», «STX Energy» каби нефть-газ компаниялари ҳам қатнашмоқда. Сеулдаги учрашувда ана шу компаниялар раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Музокарада «Ўзбекнефтьгаз» ва «Корея газ корпорацияси» ҳамкорлиги оид масалалар, биргаликда амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашув якунида «UzKorGazChemical» қўшма корхонасининг таъсис шартномаси ва низоми имзоланди.

Президентимизнинг Сеул таширифи асосида «Ўзбекнефтьгаз» миллий холдинг компанияси билан «DAEWOO International» корпорацияси ўртасида Устюртдаги «Кўсқудук» ва «Ашибулок» инвестиция блокларига геология-разведка ишларини олиб бориш ва ўзлаштириш тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтсанот» компанияси билан «DAEWOO International» корпорацияси ўртасида савдо шартномаси имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Корея Республикасиغا таширифи давом этмоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ВЛАДИМИР ВЛАДИМИРОВИЧ ПУТИННИ «БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасидаги аънанавий дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш ва чўқурлаштириш борасидаги улкан хизматлари ҳамда халқаро хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Россия Федерацияси Президенти Владимир Владимирович Путин «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 20 февраль

Олий Мажлис Сенатида ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ — БАРЧАНING ИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИНИНГ АГРАР, СУВ ҲҲҲАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ВА
ЭКОЛОГИЯ ҚҲМИТАСИ ҲЗ МАЖЛИСИДА ҲЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚҲМИТАСИНING 2007 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ
ТҲҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТНИ ҚҲРИБ ҚИҚДИ.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси табииоти муҳофазасида қилиш давлат қўмитасининг раиси Б.Алиқонов атроф-муҳити муҳофазасида қилиш юзасидан қилинган ишлар ҳақида муфассал ахборот берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида, Вазиirlар Маҳмадининг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасида 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чўқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримов томонидан ўртага қўйилган вазифаларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга эътибор қаратди.

Муҳожама асосида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазасида қилиш давлат қўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти атроф-муҳити муҳофазасида қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилди. Экологик хавфсизликни таъминлашга, табииоти муҳофазасида қилиш соҳасида иқтисодий механизмни жорий этиш ва такомиллаштириб боришга маъзур Қўмита томонидан алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорларини бажариш юзасидан собитқадам иш олиб борилди.

Табиати муҳофазасида қилиш юзасидан ўтказилган тадбирлар ҳамда мамлакатда экологик вазиятни яхшилаш мақсадида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 2006 йилга нисбатан ҳаракатланувчи манбалардан атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташлаш, очик сув ҳавзаларига тозаланмаган оқова сувлар оқизиш анча камайишига эришилди. Ишлаб чиқариш чикиндилари ҳажми тўққиз фоизга камайди. 3713 гектар ернинг мелiorатив ҳолати яхшиланди, икки миң гектардан ортик ер қайта тикланди. Қуввати соатиға 48,4 миң куб метр бўлган чанг ва газ тозаллагич қурilmалар, шунингдек, 38 миң куб метр сувни тежаш имконини берадиган айланма сув таъминоти тизимлари фойдаланишга топширилди. 19,6 миң автотранспорт воситалари бирлиги тегишинча газ ва дизель ёқилғисига ўтказилди. Ишдан чиққан люминесцент лампаларни зарарсизлантириш 2006 йилга нисбатан олти фоизга ошди. Талайгина майдонлар қўқаламзорлаштирилиб, тўрт миллион тулдан ортик манзарали ва мевали дарактлар, ҳар хил қўқатлар ўтказилди.

Сув ресурсларини муҳофазасида қилиш даири ҳукумат қарорлари бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазасида қилиш давлат қўмитаси томонидан Амударё ва Сирдарё ёқалб сувни муҳофазасида қилиш зоналари ҳамда сохилбўйи минтақалари белгилан берилди.

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг ҳозирги ҳолатига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг муҳофазасида этиладиган табиий худудларидagi сув объектларига оид давлат кадастрларини юритиш ишлари давом эттирилмоқда.

«Сайқохона» ва «Судоче» давлат қўриқхоналари худудидagi нодир, фақат шу жойга хос ва йўқолаётган ўсимлик турларининг, шунингдек, Устюртнинг муҳофазасида этиладиган участкаларидаги ёввойи техник ўсимликларнинг кадастри тузилди.

Ресурсини тежайдиган ва экологик соф технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда кенг қўламда жорий этиш ишлари 2007 йилда ҳам давом эттирилди, халқаро конвенциялар доирасида Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига олган, бажарилиши учун масъуллик Табиати муҳофазасида қилиш давлат қўмитасига юклатилган мажбуриятлар оғишмай бажарилди.

Шу билан бирга Сенат қўмитасининг мажлисида табииоти муҳофазасида қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида Табиати муҳофазасида қилиш давлат қўмитаси органлари ҳамда бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан муайян ишлар олиб борилганига қарамай, баъзи масалалар ҳамон ечим топмаганилиги таъкидланди. Баъзи шаҳарлар, айрим жойларда бир қанча ингредиентлар бўйича атмосфера ҳавосининг, сув ҳавзалари ва тулрокнинг ифлосланиш даражаси юқорилигига қолмоқда.

Сенаторлар Табиати муҳофазасида қилиш давлат қўмитасининг экологик соф технологияларни, энергиянинг тикланма манбаларини қўлланиш, мамлакатда экологик туризмин ривожлантириш борасидаги ишларига алоҳида эътибор қаратдилар. Тармоқни ислох этишнинг иқтисодий механизмининг янада такомиллаштириш ва босқичма-босқич амалга ошириш зарурлиги айтиб ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазасида қилиш давлат қўмитаси фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан амалий тақлифлар билдирилди.

Муҳожама якунлари асосида тегишли қарор қабул қилинди. Тадбирда сенаторлар, Ўзбекистоннинг манфаатдор вазиrлик ва идоралари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

(ЎзА)

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН
СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган аънанавий «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Қарши шаҳри босқичида хусусий бизнес соҳасида энг юқори натижаларга эришадиган кичик корхоналар вакиллари, хунармандлар ва якка тадбиркорлар иштирок этдилар.

• Тошкент Шимолий темир йўл вокзалидан Қорақалпоғистон Республикасиға навбатдаги 50 миллион сўмлик инсонпарварлик юки ортилган «ЭКОСАН — Ўзбекистон темир йўллари» саломатлик поездеи жўнаб кетди. Таъкидлаш керакки, бу хайрия тадбири «Экология ва саломатлик кўнлари»нинг Наврўз байрамига бағишланган биринчи босқич тадбирлари доирасида ташкил этилди.

• Бекобод шаҳридаги 16-мактабда аънанавий «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танловининг 2007 йилги голибини аниқлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларнинг педагогик жамоалари иштирок этди. Кўрик-танлов якуниға қўра, Тошкент шаҳридаги 169-мактаб жамоаси биринчи ўринға сазовор бўлди.

• Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасида 2007 йил якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

• Самарқанд шаҳрида фермер ҳўжаликлари раҳбарларининг иқтисодий-ҳуқуқий, технологик ва экологик билимларини ошириш мақсадида «Ўзбекистонда фермерлар экологик ва иқтисодий билимларини ошириш» мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

• Тайлоқ туманида «Сибё саховати» фермер ҳўжалиги фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда бир кеча-кундузда 50 миң квадрат метр миқдорда муҳим қурилиш хом ашёси — гипскартон тайёрланапти. Энг асосийси, 50 нафар маҳаллий ишчи доимий фойдали меҳнатға жалб этилди.

• Бўҳоро давлат қўғирчоқ театри репертуари яна бир энг асар билан бойиди. Театр жамоаси «Олтин тарвуз» мусиқали пьесасини кичик томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

• Жиззах шаҳрида «Ёшлар йили» муносабати билан «Ўрда» боғи ўрнида «Ёшлар экологик боғи» ташкил этиладиган бўлди. Бунинг учун Жиззахнинг эски шаҳар қисмидан 56 гектар ер майдони ажратилди. Корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, «Қамолот» ЁИХ вилоят, шаҳар бўлими фаоллари, ўқув юртли раи жамоалари томонидан бу ерда бир миллиард сўмликка яқин иш бажарилади.

• Бекобод шаҳрининг Жомий маҳалласида янги модалар ательеси иш бошлади. «Зулфиябону» деб ном олган кичик корхонаға 4 нафар чевар доимий ишға жалб этилди.

ЖАҲОНДА

• Куба парламенти — Миллий ассамблея депутатлари бир овоздан Давлат кенгаши раҳбари этиб Фидел Кастронинг кенжа укаси ва яқин сафдоши бўлиши Раул Кастрони сайлашди. 76 ёшли Раул янги лавозимни мамлакатда иқтисодий ислохотларни ўтказишдан бошламоқчи.

• Кеча Покистонда Британия гуманитар ташкилоти офисиға ҳужум уюштирилиши натижасида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди.

• Исроил Бош вазири Эхуд Ольмерт ҳафта давомида Африкадан Миср орқали қуриб келган миңглаб ноқонуний муҳожиrларни ўз юртиға депортация қилиш ҳақида бўйруқ берди.

• Жаҳонда илк бор биологик ёнилғида учадиган самолёт синовдан ўтказилди. Буюк Британиянинг «Virgin Atlantic» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-747» самолёти пальма ва кокос майдан тайёрланган биоёнилғи ва керосин ёрдамида Лондон-Амстердам йўналиши бўйича парвозни муваффақиятли амалға оширди.

• «Газпром» ва «Сербиягаз» компаниялари «Жанубий оқим» газ ўтказгичини қуриш юзасидан битим имзолашди.

• Турк армияси Ироқнинг шимолидаги Кандил деган худудға жойлашган Курд ишчи партияси қароғоҳига ҳужум қилиш қолди. Ҳарбий ҳаракатлар чоғида 140 курд жангариси йўқ қилинди.

• Россия ва ҚХДР ўртасидаги ўзаро келишувға мувофиқ Шимолий Кореяда ушлаб турилган «Лидия Демис» теплоходи озод этилди.

• Кеча Австрияда сайёҳларни олиб кетадиган автобуснинг юк ташувчи машина билан тўқнашиб кетиши оқибатида 16 нафар йўловчи жароҳатланди. Улардан учтасининг аҳоли оғир.

• Кеча Индонезиянинг Суматра оролида рўй берган ер силкиниши Рихтер шкаласи бўйича 7,2 балға етди. Зилзила оқибатида қўплаб бинолар вайрон бўлди, қурбонлар тўғрисида маълумот йўқ.

• Греция миллий банкига тегишли банккомат ўғирланди. Хабарларға қараганда маъзур банккоматда 200 миң евродан ортик пул бўлган. Полиция ходимларининг сўзларига қараганда, жиноятчилар қран ёрдамида банккоматни маҳкамланган жойидан сугуриб, автомобиль кузовига жойлаб, жуфтани ростлашган. Айни вақтда ушбу воқеа юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

• Кеча АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида кино оламининг энг нуфузли муқофоти — «Оскар» совриндорларининг номлари маълум бўлди. Бош соврин —Йилнинг энг яхши фильми» номинацияси «Бу кексаларнинг жойи эмас» фильмиға насиб этди.

«АЛ-АНБА» ГАЗЕТАСИ:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОХОТЛАРНИ ЧўҚУРЛАШТИРИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШ Борасида Фаол Жараён Давом Этмоқда»

КУВАЙТ ДАВЛАТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН КўП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛДИРИЛМОҚДА.

Яқинда маъзур мамлакатдаги етакчи нашрлар — «Кувейт Таймс», «Ал-Кабас», «Ал-Ватан», «Ал-Сияса», «Ал-Рай», «Ал-Анба», «Авани» газеталарида Президент Ислам Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўйилган ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чўқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳмадиси мажлисидаги маърузасига оид турқум мақолалар эълон қилинган ҳам бунинг тасдиқидир. Уларда Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови, «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили», Ўзбекистон Республикаси ва Кувейт давлати ўртасидаги икки томонлама муносабатлар, сайёҳлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ривожига оид маъзулар ўз ифодасини топган.

Жумладан, «Ал-Кабас» ва «Ал-Сияса» газеталари Ўзбекистон жамият ҳаётининг турли жаҳаларида сезиларли ютуқларға эришганини таъкидлар экан, «2007 йил якунлари бўйича республиканинг ялпи ички маҳсулоти 9,5 фоиз, санаот маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 12,1 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш — 6,1 фоиз, пулли хизматлар кўрсатиш — 20,6 фоиз, пудрат қурилиш ишлари ҳажми 15,7 фоизға ўсди. Қулай инвестиция муҳити ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш дастурларининг фаол амалға оширилиши иқтисодиётға йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг 23 фоизға ўсишини таъминлади», деб ёзади.

«Ал-Ватан» газетаси эса Ўзбекистондаги ялпи ички маҳсулот ўсиши тўғрисида сўз юритиб, қуйидаги маълумотларни келтиради: «2007 йилда давлат бюджетни ялпи ички маҳсулотға нисбатан 1,1 фоиз профицит билан бажарилди. Иқтисодий эркинлаштириш ва қулай тадбиркорлик му-

ҳити яратиш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес жадвал суръатларда ривожланмоқда, иқтисодиётда хусусий сектор кенгаймоқда. 2007 йилда хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 85 фоизға етди. Шу билан бирга қишлоқ жойларида ислохотлар давом эттирилмоқда. Фермер ҳўжалиқлари қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг асосий етиштирувчиларига айланди. Мамлакатда 630 миңдан ортик янги иш ўринлари ташкил этилди.

«Ислохотлар жараёни, иқтисодий эркинлаштириш ва тегишли инфратузилмаларнинг яратилиши, — деб ёзади «Анави» газетаси, — иқтисодий таъкидлаштириш, инфляцияни пасайтириш ва мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтиришға имкон берди. Экспортнинг юқори даражада ўсиши ҳисобиға тўлов балансининг барқарорлиги ва олтин-валюта захирасининг ўсиши таъминланди».

Мақолаларда иқтисодий қўрсаткичлар билан бир қаторда мамлакат ижтимоий тараққиётига доир маълумотлар ҳам таҳлил қилинди.

Жумладан, «Ал-Анба» газетаси қуйидагиларни таъкидлайди: «Ўзбекистонда ислохотларни чўқурлаштириш, модернизация қилиш ва халқ фаровонлигини юксалтириш борасида фаол жараён давом этмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган ўтган йилда маъзур йўналишда катта ютуқлар қўлга киритилди. Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қатор фармон ҳамда қарорлар қабул қилинди ва улар ушбу муҳим мақсадни амалға оширишда ижтимоий, сиёсий ва ҳўқуқий асосга айланди. Инсон манфаатлари жорий йилда ҳам Ўзбекистон сиёсатининг асосий мақсад ва мазмуни ҳамда устувор жиҳати бўлиб қолади».

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ Дир Кўнлари

Кисса
сатрларда

• КЕЧА «Ташаббус — 2008» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичи бўлиб ўтди.

• КЕЧА Тошкент фармацевтика институтида талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир Ёшлар йилиға бағишланди.

• ЧИЛОНЗОР туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан «Ёш педагоглар» мактаби ташкил этилганлиға бағишланб ўтказилган тадбир доирасида уюштирилган «Тарих ва замон» мавзусидаги адабий кечада халқ таълими муассасаларининг ёш педагоглари иштирок эттишди.

• ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Кизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббу-

си билан маҳаллаларда истикомат қилаётган ёлғиз қариялар тиббий қўриқдан ўтказилди, уларға дори-дармон воситалари тарқатилди.

• ТОШКЕНТ кимё-технологиялари институтида «Адолат» социал-демократик партияси «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан талабалар, ўқитувчилар, партия фаоллари иштирокида ўтказилган «Истикболли ёшлар — эртанги кунимиз» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир Ёшлар йилиға бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

Ўлкамизда кўклам нафаси

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ТОШКЕНТИМ!

МАНА, ОРЗИҚИБ КУТГАНИМИЗ ҚУЁШНИНГ ЗАРРИН НУРЛАРИ БУТУН БОРЛИҚДА ИЛИҚЛИК БАҒИШЛАБ ҒЎЗАЛ БАҲОРНИНГ КИРИБ КЕЛАЁТГАНДАН ДАРАК БЕРМОҚДА.



Қишнинг аёзли кунлари ўтиб, оппоқ қор остида мириқиб дам олган она замин узра мудроқ бойчақ аста бош кўтармоқда. Эрта-индин ҳаммаёқ ям-яшил майсалар билан қопланиб, чучмо-ма-ю бинафша, лолалар-у ялпизларнинг хушбўйлари билан гўёки яшнаб кетади. Зилол сувлар арқиларда шарқираб бобо деҳқон барака уругини ерга қадайдди. Она табиат киш уйқусидан уйғониб, бутун борлиқни бетакрор ғўзаллик билан сийлайди.

Ана шундай дамларда азиз ҳамшаҳарлар, биз ҳам бутун атрофни озода, покиза ҳолга келтириб, соғинганимиз баҳор фаслига ёруғ юз билан пешвоз чиқайлик. Ҳашарлар уюштириш ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларида бош-қош бўлайлик. Айниқса, корхона, ташкилот, олий ўқув юртлири, коллеж, лицей, кўп қаватли уйлар ва маҳаллаларда бир ёқадан бош чиқариб ўз худудимизни ортасталаб, табиат ғўзаллигига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшайлик.

«Ҳашар — элга ярашар» нақлининг мазмун-моҳияти хайрли, савобли ишларимизда акс этиб барчамизни мана шу йўлга чорласин!

Биз сени соғиндик, келаоқ Баҳор!
Келгусида газетамиз саҳифаларида энг чиройли маҳалла, энг ораста кўча, энг намунали хонадонлар ҳақида мақолалар бериб борамиз.

Хадемай нозик новдалар қуртак очиб, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлади. Қўёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар нафис гиламдек кўзни қувватиб, яна кўкка бўй чўзади. Еру кўзда уйғониш, янгилашади, яшариш манзаралари намён бўлади. Ҳамалнинг оламини тутажак майин, эрқаловчи ифрларидан қалбар энтикади. Тоғу тошдан шарқираб оқадиган оби ҳаёт сой ва ариқларнинг ўзанини янгилайди — аёзда тин олган чарпалақлар яна бир маромда айланишга тушади...

Офтобнинг нурли жилваларини, сарин шаббоданинг майин ва илқ эрқалашларини, чаплар уриб гуллаган боғларнинг хушбўй атрини, чаманзорларнинг камалак рангларини, мусаффо кўкда чарх урган қалдирғочлар, аргамчи тортиб юртга қайтадиган турналарнинг сеҳрли сасадоларини соғиндик.

Баҳор яқин. Ғўзаллик мавсуми галабасидан дарак бериб энг қадимий, ардоқли байрамимиз — Наврўз келишига ҳам санокли кунлар қолди. Бу ҳақида ўйлашимиз билан вужудимизга ажиб илиқлик таралиб, дилимизда энтиқиб ва шодлик туйғулари жўш уради.

Ҳа, тез орада она диёримиз бўйлаб яна кўклам сурури кезади, табиат уйғонади. Чор-атрофда Наврўз руҳи, Наврўз мўъжизаси намён бўлади. Қалблиримиз ана шу ёруғ кунларга, ғўзал ва фусункор ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон этганимиз учун шукроналик туйғуларига тўлиб-тошади. Ўзбекистонимиз тинч ва осойишта, дунёда ўзининг юксак ўрни ва мавқени эгаллаб, халқимиз аса сихат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-кўл орзулари, эзгу тилаклари, бунёдкорлик кайфияти билан Наврўзга қадам қўймоқда.

Наврўз — асрлар бўйи халқимиз, ҳар

бир оила, ҳар бир хонадон орақиқиб кутадиган хурсандчилик, ғўзаллик ва нафосат байрамидир. Тўғри, шундай замонлар ҳам бўлдики, халқдан байрами-ни олиб қўймоқчи, Наврўз билан боғлиқ миллий ва умуминсоний қадриятларга мос таомилларни миллатимиз ёддан абадиян ўчирмоқчи бўлдилар. Хайрият-ки, Истиқлол насимлари Наврўз атрофидаги мафкуравий таъкирлари тунундқ та-



ҲАР БИР ЁШ БИТТАДАН КЎЧАТ ЭКСА...

ИЗГИРИНЛИ КУНЛАР ОРТАДА ҚОЛДИ. ҚАҲРАТОН АЁЗЛАРУ, ҚОРЛИ-ҚИРОВЛИ КУНЛАР РУТУВАТИДАН БЕЗГАН КЎНГИЛЛАРДАГИ КЎКЛАМ СОҒИНЧИ КУЧ ОЛИБ, ҒЎЗАЛ ДИЁРИМИЗ УЗРА БАҲОР НАСИМЛАРИ ЕЛА БОШЛАДИ. ТАБИАТДА МЎЪЖИЗАВИЙ УЙҒУНЛИК КУЗАТИЛМОҚДА: КЕЧАГИНА ОППОҚ ҚОРДАН ҚАДДИ-БАСТИ ЭҒИЛГАН, СОВУҚДА ДИЙДИРАГАН ДОВ-ДАРАХЛАР БУГУН КУРТАК ЁШИШ ТАРАДДУДИДА.

вожланди, тақомиллашди, унинг мазмун-моҳияти бойиди ва эзгулик билан йўрилган қирралари янада сайқал топди. Бир сўз билан айтганда, бугун Наврўз минг йил олдинги аждодларимиз каби халқимиз эмин-эркин, шод-хандон нишонлайдиган азиз айём, элимизнинг оммавий сайли сифатида тамомила янги рух, ўзгача тароват касб этди.

Наврўз сайли — халқ майли, дейдилар. Наврўз юртимизда азалдан халқ хоҳиш-иродасига кўра, оммавий сайил сифатида нишонлаб келинган. Наврўз дала ишлари мавсуми бошланганининг даракчисиدير. Шу кунлари яхши ният билан ерга уруқ қадалган, гуллар, қўчатлар экилган, ободончилик ишлари кенг авж

олинган. Юрт оқсоқоллари янги йилнинг баракали, янги мавсумнинг серхосил келишини тилаб дуода бўлганлар.

Наврўз — баҳор ва уйғониш, меҳнат ва бунёдкорлик айёми. Табиат яшарар ва яшар экан, инсон руҳи ҳам янгилашади. Наврўз одамзот билан кўча кўчага янги интилиш, ҳаётга янги, покиза умид ва орзулар бахш этади. Асрий аъналаримизга кўра, айни кунларда деҳқонларимиз юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниятда ерга уруғ қадам-қаддам. Ватанимиз бўйлаб гуллар, қўчатлар экиш, кенг миқёсли ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бошланиб кетди.

Дарахт экиш, боғлар яратиш халқимизнинг азалий фазилатларидан. Неча асрларки, фарзанд туғилгандан тарақ қилиш, қўчат ўтказишдек ибратли аъна эл орасида барҳаёт. Зеро, ниҳол ўсиб дарахт бўлади. Дарахт — ҳаёт рамзи, эзгулик тимсоли. Дарахт — ер зийнати. Дарахт — мева-чева, соф ҳаво, ғўзаллик.

Қўчат эккан, боғ қилганларнинг номи эл-юрт тилида, дилида абадий қолади. Муборак ҳадисларда: «Қиёмат кунини бўлса ҳам, қўлда бир ниҳоли бор одам уни экин», дея беҳиз айтилган.

Алқисси, истиқлолнинг яна бир табаррук тонги, кўтлуг ва хосиятли кун арафасида турибмиз. Одам боласи борки, бундай шукҳли дамларда табиатдан бахра олишни, қалбиди энг эзгу туйғу ва тилакларини, орзу ва умидларини юзага чиқаришни истайдди.

Жорий йил Президентимиз ташаббуси билан Ёшлар йили деб эълон қилинди. Шу маънода, бу йилги Наврўзи олам, айниқса, ўзгача — Ёшлар йилининг Наврўзи! Ҳаёт, баҳор, Наврўз, ниҳол, ёшлик — бу сўзларнинг мазмун-моҳиятида ажиб бир монандлик мужассам.

Бу йилги кўкламда ҳар бир ёш ватандошимиз биттадан қўчат экса, шу қўчатни — ўз ниҳолини астойдил парваришласа...

Тасаввур қилинг: барча мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлирининг неча юз минглаб ўқувчи ҳамда талабаларидан ҳар бири лоақал битта ниҳол экиб-ундирса — мамлакатимиз бўйлаб қанчадан-қанча навқирон авлод боғлари бунёд бўлади!

Боғи борнинг бахти бор, дейдилар. Бу боғлар, чаманзорлар, гулзорлар халқимизнинг порлоқ истиқболи, юртимизнинг ободлиги тимсоли сифатида ҳаммаша гурқираб, гуллаб-яшнаб турсин.

Гулом МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ал-Рай» газетасининг ёзишича, «Ўзбекистон — собиқ шўролар худудидидаги оила, оналар ва болалар масаласига муҳим эътибор қаратаётган давлатдир. Бозор муносабатларига ўтиш давридаги мураккаб шароитларга қарамай, бунга муваффақиятли тарзда эришилмоқда. Мустақилликнинг илк кунларидан оила, оналар ва болаларни ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш давлат раҳбари Исро Каримов олиб бораётган сиёсатнинг устувор йўналиши бўлиб келмоқда.

«Кувайт Таймс» газетасида таъкидланишича, «Президент томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили», деб эълон қилинган ўтган 2007 йилда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга катта миқдорда бюджет маблағлари ажратилди. Дастурий вазифаларни амалга ошириш натижасида ярим миллиондан ортиқ ишчи ўринлари яратилди, иқтисодий ўсишнинг қўллаб-қувватлангани таъминланди, иш ҳақи миқдори оширилди, ижтимоий лойиҳалар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилди».

«2008 йил — Ёшлар йили» деб эълон қилинди. Бу

«АЛ-АНБА» ГАЗЕТАСИ: «ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА ФАОЛ ЖАРАЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА»

ислохотларни чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишнинг мантқиқий давоми бўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳукумати томонидан 18 дан 30 ёшгача бўлган фуқароларни кўллаб-қувватлашга қаратилган ижтимоий дастурлар ишлаб чиқилди. Улар ўсиб келаётган ёш авлодни ўқитиш, ижтимоий таъминлаш ва ҳар томонлама камол топтириш каби вазифаларни қамраб олган. Ўтган йиллар мобайнида мамлакат раҳбарияти замонавий ва яхши жиҳозланган таълим муассасаларини қуриш ҳамда уларни таъмирлаш ишларига 5 миллиард доллардан зиёд маблағни йўналтирди», - деб ёзади нашр.

Ёшлар йили мавзуси «Ал-Ватан» газетасида чоп этилган мақолада ҳам ўз ифодасини топган: «Ёшлар мамлакат аҳолисининг салмоқли қисмини ташкил этади. Ўтган давр ичида мамлакатда кўп сонли академик ва таълим муассасалари барпо этилиб, тўла жиҳозланди. Жорий йилда асосий эътибор таълим соҳасига, юрт келажига — ёш авлодга ҳар томонлама камол топтиришга қаратилди».

Икки томонлама ҳамкорлик масалалари ҳам Кувайтнинг кўллаб етатиши наشرларида чоп этилган мақолаларда баён этилган. Уларда Кувайт давлати томонидан Ўзбекистон мустақиллиги тан олинган ва икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилган вақтдан бошлаб Тошкент ва Ал-Кувайтнинг ўзаро алоқалари тарихи таҳлил этилган.

Барча муаллифлар амалда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тобора ривожланиб бораётганини тасдиқловчи ягона фикрни билдирган. Ўзбекистон ва Кувайт делегацияларининг ўзаро ташрифлари, иқтисодий, инвестиция, маданият, фан ва сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик қўлами кенгайиб бораётгани, томонларнинг янада яқинлашуви ва икки томонлама алоқалардаги мавжуд салоҳиятни янги мазмун билан бойитишга интилаётгани бунга ёрқин мисолдир. Шу муносабат билан мақолаларда 2007 йил июнда Кувайт Бош вазирлиги ўринбосари, ташқи ишлар вазирлиги Шайх Муҳаммад ал-Сабахнинг мамлакатимизга ташриф ҳақида унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Исро Каримов билан учрашуви, шунингдек, Вақф масалалари ва олий таълим вазирлари ҳамда кувайтлик бошқа расмий доира вакилларининг юртимизга сафарига алоҳида тўхталган.

Шунингдек, нашрларда Ўзбекистон ҳаётида рўй берган муҳим воқеаларга бағишлаб ўтказилган тadbирлар хусусида сўз юритилган. Хусусан, Кувайт оммавий ахборот воситалари ISECO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Исро маданияти пойтахти, деб эълон қилингани, ўтган йили август ва сентябрь ойларида Самарқанд ҳамда Марғилон шаҳарларининг юбилейлари нишонлангани, ушбу байрам тантаналарида Кувайт давлати вакилларининг иштироки қайд этилган.

Кувайт оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикасига бағишлаб чоп этилган, ўзининг сермазмунлиги ва рангли безатилгани билан алоҳида ажралиб турувчи мазкур мақолалар Кувайт кенг жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

«Жаҳон» АА
Ал-Кувайт

ЁШЛАР ФАОЛЛИгини ОШИРИШ ЙЎЛИДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИДА «ЁШЛАР СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ФАОЛ ИШТИРОҚЧИСИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал демократик партиясининг Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу давра суҳбатига Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутатылари, ЎзЛиДеп сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси масъул ходимлари, партиянинг вилоят ҳамда туман кенгашлари ёшлар каноти фаоллари ва талабалар иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшларимиз ҳар томонлама билимли бўлиш билан бирга мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий жараёнларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Тadbирда сўзга чиққанлар «Ёшлар йили»да партия аъзолари олдига турган долзарб вазифалар хусусида тўхталди. Шунингдек, тadbирда 2008 йилнинг 1 январидан қўлга кирган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини қучайтириш тўғрисида»ги қўнунинг мазмун-моҳияти ҳақида ёшларга атрофчила маълумот берилди.

Шунингдек, йилгилида мамлакатимизда ёшларга яратилаётган қатор имкониятлар ва улардан ёшлар қай даражада самарали фойдаланяётгани ҳусусида гапириб ўтилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисда белгиланган вазифаларга ҳам тўхталди.

Тadbир давомида Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати ЎзЛиДеп сиёсий кенгаши ижроия қўмитаси томонидан нашр этилган «Ёшлар буюк келажак бунёдкори» номи китобининг тақдими ҳам ўтказилди.

«Туркистон-пресс»

ЁШЛАР ВА ТУРИЗМ

ТОШКЕНТДА «ТУРИЗМ: ЁШЛАРНИНГ ЯНГИ ТАШАББУСЛАРИ» МАВЗУИДА ХАЛҚАРО ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур анжуман «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, унда марказ фаоллари билан бирга туризмни ривожлантиришда ўз хиссасини қўшиб келаётган туристик компания раҳбарлари, турли вазирлик ва мутасадди ташкилот вакиллари, туризм саноати бўйича мутахассислар иштирок этди.

Тadbирда асосий эътибор юртимизда иқтисоднинг муҳим ривожланаётган тармоқларидан бири бўлган туризмни ривожлантириш ҳамда ушбу соҳага ташаббускор ва иқтидорли ёш мутахассисларни тайёрлаш ва жалб этишга қаратилди.

Анжуманда туризм саноатини аниқ йўлга қўйилган транспорт инфраструктурасини тасаввур этиб бўлмаслиги таъкидланди. Иштирокчиларга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК вакиллари юзасидан маълумотлар беришди.

— Мазкур давра суҳбати интилувчан, изланувчан ёшларимизнинг ушбу соҳадаги етакчилигини яна бир бор намён этишда катта туртки бўлди, десак муболага бўлмайди, — деди «Келажак овози» фаоли, лойиҳа ташаббускори Феруз Зоҳидов. — Тарихий Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби шаҳарларимизда бундай тadbирлар ташкил этилса, унда ёшларнинг лойиҳаларига эътибор қаратилса, айни мудоао бўлади. Шунингдек, бугунги давра суҳбати соҳа мутахассислари билан фикр алмашиш имкониятини яратиб бергани билан ҳам эътиборга молиқдир.

Дарҳақиқат, давра суҳбати давомида ёшлар халқро туристик алмишунув бўйича ҳорижда кўзга кўринган амалиётчи-мутахассислар жумладан, Франция туризм вазирлиги вакили Доминика Аннете, Россия туризм саноати Ассоциацияси президенти Сергей Шпилюк, Москва тadbиркорлар

ассоциацияси туризм қўмитаси раиси Мария Саушкина каби мутахассислар билан тажриба алмашиш имкониятига эга бўлди.

—Ўзбекистондаги туризм соҳасига Японияда қизиқиш жуда юқори, — деди Япония «Pro Air Service» туристик Агентлиги вице-президенти Тоши Касахара. — Ҳозирда Япониядан Ўзбекистонга келаётган туристларнинг асосини 60 ёшдан ошганлар ташкил этади. Сизнинг юртингизга келаётган японларнинг сонини 2010 йилгача 20 миллионга қўпайтиришни режалаштирмакчимиз. Ўтказилаётган мазкур тadbир биз мутахассисларнинг фикр ва тажриба алмашишида катта аҳамият касб этади.

Шунингдек, анжуман доирасида «Келажак-тур» халқро ёшлар туризми Бюросининг тақдими ўтказилди. Ушбу Бюронини ташкил этишда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази фаолларининг туризмни шакллантириш, унинг ривожланишида ёшларнинг ўрни тўғрисидаги қизиқарили ва долзарб ташаббуслари муҳим ўрин тутди. Мазкур Бюронини тузишдан қўзланган асосий мақсад мамлакат ичида ҳамда халқро даражада туризмни ривожлантиришга хисса қўиш ва ушбу соҳага жамоатчилик фикрини жалб қилиш, мамлакатимизнинг туристик имкониятларини ҳорижда тарғиб этишга қаратилган. Тақдимода «Келажак-тур»нинг асосий мақсад ва вазифалари, туристик йўналишларни ривожлантириш истиқболлари ҳамда келгуси фаолиятда ҳамкорлар доирасини кенгайтириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундай тadbирлар туризм саноатидаги етакчи мутахассисларнинг билим ва малакалари ёш, ташаббускор авлоднинг келажакдаги фаолиятида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»



ЯҚИНДА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ (ТТА) РЕКТОРИ Ш.КАРИМОВ РАҲБАРЛИГИДАГИ МАЗКУР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ GERМАНИЯДА САФАРДА БЎЛДИ. ТАШИРФ МОБАЙНИДА ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ БЕРЛИН УНИВЕРСИТЕТИ «CHARITE» (ШАРИТЕ) ТИББИЙ МАЖМУАСИНИНГ ҚАТОР КЛИНИКАЛАРИНИ КЎЗДАН КЕЧИРДИ. ЮРТИМИЗ МУТАХАССИСЛАРИ ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ УСКУНАЛАР ЁРДАМИДА ДАВОЛАШНИНГ ЭНГ ИЛГОР УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИЛАР. ЎЗБЕКИСТОНЛИК ШИФОКОРЛАР ШУНИНГДЕК, GERМАНИЯЛИК ҲАМКАСБАЛИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ ЮЗАСИДАН ЎЗАРО ФИКР АЛМАШДИ.

GERМАНИЯДАГИ «CHARITE» КЛИНИКАСИНИНГ ИЛҚ ХОРИЖИЙ ВАКОЛАТХОНАСИ ТОШКЕНТДА ОЧИЛАДИ

ТТА делегацияси ҳамда «Charite» тиббиёт мажмуаси раҳбарияти ўртасида бўлиб ўтган учрашув чоғида томонлар ҳамкорлигини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, Тошкент тиббиёт академияси негизинда «Charite» ваколатхонасини очил лойиҳасини амалга ошириш борасида қизиқиш билдирди.

ТТАнинг иқтидорли стипендиантларини ГФР пойтахтига уч йил муддатга таълим олиш учун жўнатиш каби масалалар кўзда тутилган.

Шунингдек, ҳужжатни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида «Меморандумни амалга ошириш бўйича ишчи режа» имзоланди. Унга мувофиқ, икки томон вакилларидан иборат ва доимий равишда фаолият юритувчи ишчи гуруҳлари ташкил этилади. Дерматовенерология, психиатрия ва физиотерапия йўналишлари бўйича Германияда тахсил олиш учун танланган номзодларни қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон ва Германияда ҳамкор конгресслар ва симпозиумларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашиш тўғрисида ишчи гуруҳларининг вазифалари сирасига кирди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу меморандум сўнгги йилларда амалга оширилётган ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мантқиқий давоми бўлди. «Charite» тиббиёт мажмуаси раҳбари М.Пауль бу ҳужжатнинг имзоланишини қутлаб, Ўзбекистон ва Германия илмий мактаблари ўртасида яқиндан тажриба алмашишни жадаллаштириш учун янги имконият яратилганини алоҳида қайд этди.

Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА
Берлин

Таъкидлаш жоизки, Тошкент тиббиёт академияси «Charite» ваколатхонаси ташкил этиладиган илқ хорижий олий ўқув муассасаси бўлади. Келишувга мувофиқ, мазкур режани 2008 йилнинг 1 июлида амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Нобель мукофоти соҳиблари — Роберт Кох, Эмиль фон Беринг ва Пауль Эрлик «Charite»нинг шон-шухратта буркаган тиббиёт соҳасининг етакчи мутахассисларидир. Мазкур фаннинг энг юксак марралари айнан улар номи билан боғлиқ. Уч юз йиллик тарихига эга ҳамда бугунги кунда тўрт мингдан зиёд шифокор ва олимлар меҳнат қилаётган ушбу марказ Европадаги йirik клиникалардан бири ҳисобланади.

«Charite» аввало, иммунология, онкология ва юрак-кўн томир касаллиқларини даволаш борасида эришган ютуқлари билан ном қозongan. Бугунги кун-

да даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш устида ўн иккита ишчи гуруҳи ва юздан зиёд турли тиббий соҳа ходимлари меҳнат қилмоқда. Бу ердаги тиббий таълим сифатининг юқори даражада эканлиги тобора кўпроқ талабаларни ўзига жалб этмоқда. Айни пайтда «Charite»да 7500дан зиёд ёш терапевт ва стоматологлар тахсил олиб, тadbирот ишлари билан шуғулланмоқда.

Икки мамлакат тиббиёт муассасалари ўртасидаги алоқалар ривожини «Тошкент тиббиёт академияси билан Берлин шаҳри «Charite» университет тиббиёт имзоланиши муҳим омил бўлди.

Ушбу ҳужжатда ҳамкорликнинг асосий тамойиллари ва устувор йўналишлари ўз ифодасини топган. Хусусан, мазкур меморандумда «Charite»нинг ТТАда мувофиқлаштириш пунктини ташкил этиш, Ўзбекистонга германиялик тиббий соҳа ўқитувчиларини юбориш, Германиянинг академик алмашувлар хизмати (ДААД) ва кадрлар тайёрлаш йўналишига ихтисослашган бошқа ташкилотлар маблағларини жалб этган ҳолда юртимиз мутахассисларининг Берлинда малака оширишлари учун имкониятлар яратиш, тиббиёт соҳасида тажриба алмашиш,

Аён борак, олам мунаввар
**ҲАЁТ БОҒИНИНГ
ГУЛАЛАРИ**

Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Ўзбекистон Республикаси

Президенти Давлат стипендиатлари

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАРИ БИСЁР

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 70 фоизини ёшлар ташкил қилади. Бинобарин ўзининг ихтиролари, кашфиётлари ва илмий изланишлари билан Ватанимиз тараққиётига салмоқли ҳисса қўшаётганлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Гулнора Жалилова ҳам ана шундай изланувчан, иқтидорли ёшларимиз сафига киритсак адашмаган бўламиз.

Гулнора Жалилова Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультетини имтиёзли диплом билан тугаллагач, Ўзбекистон Республикаси Гидроингео илмий- текшириш институтида Ерни космик материаллар билан таҳлил қилиш лабораториясида аввал техник лаборант, кейинчалик муҳандис сифатида фаолият юритган. 2004 йилда эса Тошкент Давлат аграр университетининг илмий бўлимига муҳандис вазифасига ишга ўтади. 2005 йилда Тошкент Давлат Аграр университетининг Агрохимё ва тупроқшунослик кафедраси қошидаги тупроқшунослик йўналиши бўйича аспирантура бўлимига ўқишга кирди. Айни кунларда илмий раҳбари биология фанлари доктори, профессор Лазиза Гафурова бошчилигида «ГАТ технологияларини қўллаш асосида Сўқоқсой бассейнининг эрозия хавфи бўлган ерларини аниқлаш ва баҳолаш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда. Гулнора 2006 йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ушатирилган 2006-2008 йилларга мўлжалланган ёш олимлар ўртасида ўтказилган фундаментал тадқиқотлар танловининг ғолиби, 2007 йил Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган Аспирант, докторант ва тадқиқотчиларнинг республика илмий-амалий анжумани ва илмий ишлари танловида Қишлоқ ва сув хўжалиги, ер ва сув ресурслари йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳиби бўлган.

Илмий изланишлари натижасида республика ва халқаро илмий анжуманларда 20 га яқин илмий мақолалар ва тезислар chop эттирди. Ўзбекистон Миллий университети, Агрохимё ва тупроқшунослик илмий-тектириш институти ҳамкорлигида ЮНЕСКОнинг махсус лойиҳаси асосида «Экологический атлас Узбекистана» номидаги хариталар тўпламининг тупроқ экологик харитасини тузувчи муаллифлар гуруҳига кирган. Диссертация мавзуси бўйича тўртта маълумотлар базасини тасдиқловчи муаллифлик гувоҳномалари ҳам бор. Шунингдек, у Женевадаги ВОИСга Халқаро академиясига қарашли «Интеллектуал мулк асослари» масофавий ўқиш курсларини ҳам аяло баҳолаш билан битирган.

— Олиб бораётган илмий изланишларим келгусида ўз самарасини беришига ишонаман,— дейди Гулнора биз билан суҳбатда. — Республикамаизда охириги 20 йил мобайнида олиб бориладиган кузатишлар шунинг кўрсаткичи, қилинган ишлар асосан ер эрозиясининг тарқалиши, уларни харитага тушириш ва уларга қарши чоратадбирлар қўллаш билан чекланиб қолгандир. Лекин ҳозирги вақтда эрозия жараёнига учрайдиган ҳудудларни олдиндан аниқлаш ва унга олдиндан баҳо бериб, мавзуй хариталар яратиш ишларини режалаштирганмиз. Илмий ишларимизни Паркент туманидаги Сўқоқсой сув ҳавзасига тегишли ерларда олиб бормоқдамиз. ГАТ — бу географик ахборот тизими бўлиб, атроф-муҳитни, оламда рўй бераётган ҳодисаларни хариталаш ва таҳлил қилиш учун мосланган замонавий компьютер технологиясидир. Унинг асосида топографик хариталар, шунингдек ерни масофадан зондлаш материалларини қўллаш эрозия жараёнларини ўрганишда ва уни олдиндан аниқлаш ишларида маълумотларни йиғиш,



Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: Гулнора Жалилова изланишлар устида.

уларни тезкор аниқлаш ҳолатини таҳлил қилиш имкониятларини яратди. Илмий изланишлар натижасида маълум бўлдики, анъанавий тарзда яратилган хариталарни янгиллаш ва улардан фойдаланиш, бир масштабдаги хариталарни бошқа масштабларга ўтказиш, турли мавзуй хариталарни яратиш жараёнлари бирмунча кўп вақт ва маблағ талаб қилишини ҳисобга оладиган бўлсак, ГАТ технологияларини қўллаш билан электрон хариталардан фойдаланиш айна мудида эканлигини аниқлаш қийин эмас. Умид қиламанки, изланишларимиз бесамар кетмайди. Муқаддас заминимизнинг ҳар бир қарич тупроғини азиз ва мўътабар билган ҳолда уни асраб-авайлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганман. Зеро, Ватан тупроғи онамиз каби азиздир. Она еримизнинг тозалиги, унумдорлиги ҳосилнинг мўл-кўл бўлишидан далолат беради. Хосилимиз мўл бўлса, юртимизда тўкин-сочинлик ва қут-баракка бўлади.

— Гулнора Жалилова аспирантлар орасида ўзининг илмга ташналиги, изланувчанлиги билан алоҳида ажралиб туради,— дейди Агрохимё ва тупроқшунослик кафедраси илмий раҳбари биология фанлари доктори, профессор Лазиза Гафурова.— У ўқиши давомида фақатгина илмий иши билан чекланиб қолмасдан балки университетда ўтадиган ҳар қандай тадбирларда ҳам фаол иштирок этади. Гулнорадан умидимиз жудаям катта. У йирик лойиҳалар устида изланаёпти. Изланиш, интилиш имкониятлар эшигини очаверади, ўз устида тиним билмай ишлаш эса келажакда ўз мевасини албатта беради. Зеро, салоҳиятли ёшлар ютуғи ҳар бир жамиятнинг ютуғи ва таянчи эканлиги барчамизга аён. Энг қувонарлиси шундаки, Гулнора Жалилова Аспирантлар ўртасида 2008 йилги Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига ҳам сазовор бўлган.

Дарҳақиқат, Гулнора Жалилова ёш бўлишига қарамай мақташга арзигулик анчагина ишларни амалга оширмоқда. Халқимизда интиланган толе ёр деб айтилган мақолнинг нечоғли тўғри эканлиги унинг ишлари ва изланишларида акс этмоқда. Оилада сеvimли бека, фарзандларининг меҳрибон онаси, жамиятнинг билимдон, илмий фўқароси бўлмиш Гулнора Жалилованинг илмий тадқиқотлари юртимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этиши барчамиз учун ҳам қувончлидир. Зеро, келажак бугундан бошланади.

Олий ўқув юртларида

**«ЁШЛАР ЙИЛИ»ГА
БАҒИШЛАНДИ**

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА БЎЛИБ ЎТГАН «НАЗОКАТЛИ ГЎЗАЛ ҚИЗЛАР» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИ ИНСТИТУТДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН ҚИЗЛАРГА БАҒИШЛАНДИ.



— Мазкур тадбирни «Ёшлар йили» муносабати билан илк маротаба ўтказаямиз,— дейди институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори, профессор Абдухалил Маврулов,— Бундан қўзланган мақсад қизларимизнинг наинки қийиниш маданияти, балки кишилар билан мулоқоти, саломлашиш одоби, айниқса транспорт воситаларида ўзларини туттишлари, умуман, қизларнинг ташқи ва ички гўзалликларининг уйғунлашувига

эришишдир. Бу мавзудаги тадбирларни тез-тез ўтказиб туришни режалаштириб олдик. Чунки бугунги қизларимиз эртанги келажакнинг эгаларидир. Аёл ҳам она, ҳам тарбиячи, ҳам доно ва зукко устоз ҳисобланади. Тадбир доирасида талаба-

қизлар, одоб, ахлоқ, бугунги кун моддалари ҳақида ўқитувчилари билан очик мулоқотда бўлдилар. Фольклоршунос оlima Саодат Юлдашева ва «Қизлар қизил гуллар», Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори институт талабаси Дилбар Сиддиқова эса «Биз миллатнинг эртасимиз» мавзуларида сўзга чиқдилар. Давра суҳбати баҳс, мунозара, савол-жавобларга бой тарзда ўтди. **Камола ҲАМДАМОВА**

Бекалар, сизлар учун

СУТЛИ ПЕЧЕНЬЕЛАР

ТАЙЁРЛАНИШИ УЧУН: 400 ГРАММ БИСКВИТ ПЕЧЕНЬЕЛАРИ, 3 ҚОШИҚ ЛИМОН ШАРБАТИ, ИККИ ОШ ҚОШИҚ ЎСИМЛИК ЁғИ ВА БИР БАНКА ҚУЮЛТИРИЛГАН СУТ, 100 ГРАММ ЁНҒОҚ, БИР ПАКЕТ ВАНИЛЛИ ШАКАР, КОКОС ҚИРИНДИСИ.

Печеньеларни гўшт қиймалигидан чиқаринг. Алоҳида кастрюлга сув, ванилли шакарни солиб қайнаган захотиёқ аралаштириб оловдан олинг. Дарҳол печеньелар билан аралаштиринг. Аралашмага сутни қўшиб бориб, яхшилаб аралаштиринг. Ликобчага кокос қириндисини сепинг. Конфетларни эса турли шаклга келтиришингиз мумкин. Уларни пергамент қўзи тўшалган патнисга териб, ўн икки соат музлатгичга солиб қўйинг.

Беzagига конфетлар учун шоколадли, мевали глазурни ҳам ишлатишингиз мумкин. Ёки қуюлтирилган сутнинг ўзини суриб чиқсангиз ҳам бўлади. Карабиски жуда хуштаъм печеньелар тайёр.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ОИЛАНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ, ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ СОҒЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ, ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИНИ ВА МАДАНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, ОИЛА МУАММОЛАРИНИ ИЛМий ВА ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚ ЭТИШ ҲОЗИРГИ КУННИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАНДИР.

Такдимот

ЯНГИ ЛОЙИҲА ТАТБИҚ ЭТИЛМОҚДА

Шу жиҳатдан олганда яқинда шаҳримиздаги «Истиқлол» маҳалласида «Қайноналар мактаби» лойиҳасининг тақдироти ўтганлиги юқоридаги йўналишларга муҳим эътибор берилаётганидан далолатдир. Мазкур мактабни Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди, Тошкент шаҳар «ELNAJOT» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамкорликда ташкил қилдилар.

— Азал-азалдан аёл ҳаётнинг пойдевори, уйнинг устунни, шу билан бирга оиланинг ифтихори бўлиб келган,— деди жумладан семинар-тренингни кириш сўзи билан очган Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова.— Аёл шунчалар азиз ва мўътабар зотки, унинг бирон-бир номаъқул хатти-ҳаракатини тасаввур қилиш қийин. «Қайноналар мактаби» ҳаммамиз учун ибратли бир мактаб бўлади деган умиддамиз. Ундан қўзланган мақсад, оилавий ажримларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш, айниқса нотинч оилалардаги қайнона-келин муносабатларидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш, яшаш муҳитларини ўрганиш ва улар онгига ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом оила тушунчасини синдиришдан иборатдир. Бу мактаб келажакда доно, солиҳа, билимдон аёлларимизнинг таъриба масканига айланади. Унда эзгулик ва яхшилик доимо тантана қилади.

Шунингдек, тадбирда Тошкент шаҳар «ELNAJOT» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти раҳбари Муаттар Исаева, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ФХДБ бўлими бошлиғи Гулнора Соатлиевалар сўзга чиқиб

«Қайноналар мактаби» лойиҳасининг асосий мақсадларига тўхталиб ўтдилар. Жумладан улар, шаҳримизда истикомат қилувчи аёллар (қайноналар)нинг жамиятимизда оилага тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан таништириш орқали ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қайнона келинлар билан ўзаро муросякелишув, ҳамжихатлик ва бағрикенглик қўнимчаларини шакллантириш ва ривожлантириш хусусида сўз юритдилар.

— Бу мактабнинг ташкил қилиниши келажакда албатта ўз самарасини беради деган умиддамиз,— дейди Тошкент шаҳар «ELNAJOT» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари Муаттар Исаева ўз сўзида.— Бунда қайноналар, келинлар ва ёш қизлар ўзларига керак бўлган хулосани ижобий тарзда чиқариб олади. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тарғибот қилиш, хотин-қизларда ўз-ўзини англаш туйғусини мустаҳкамлаш, уларнинг мавқеларини оширишда кўмаклашиш, оила кадрларини, оиладаги роллар ва уларнинг таснифи, ниҳоҳда вужудга келадиган муаммолар ва уларнинг ечимлари ҳақида керакли маълумотларга эга бўладилар. Шунингдек ўтказиладиган тадбирлар доирасида турли хил викториналар, давра суҳбатлари ва танловлар ҳам уюштирилиши кўзда тутилган.

Лойиҳа тақдимотида «Келинли даврдан лавҳа», «Баркамол оила сирин», «Менинг оилам» мавзуларида турли хил амалий машғулотлар, викториналар бўлиб ўтди. «Қайноналар мактаби»нинг тадбирларининг ҳар ойда шаҳримиз туманларида навбат билан олиб борилиши ҳам режалаштирилди.

Гулчехра САТТОР кизи

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

• Ёғ инсон танаси учун муҳим манба бўлиб, у баданда парчаланганда углерод ва оқсилларга нисбатан икки марта ортқ энергия беради. Олдинлари ёғнинг биологик аҳамияти фақат шу билан чегараланади деб ўйлашганди. 1823 йили ёғ таркиби — глицерин, ёғ кислоталари ва эфирли глицеринлардан иборат эканлиги аниқланди. Унинг кимёвий хусусиятлари ва баданга таъсири ҳам кузатилди. Утган асрнинг 30-40 йилларида келиб ёғ таркибида А, В, Е каби дармондорилар ҳамда бошқа зарурий моддалар борлиги аниқланди. Шу билан бирга ёғ таркибидаги баъзи ўзини-ўзини ёғ кислоталари тана учун зарурлиги ва уларни бошқа ҳеч қандай модда билан алмаштириб бўлмалиги маълум бўлди. Бинобарин, ёғ зарур моддаларга бой истеъмол маҳсулотидир.

• Буюк олим Абу Райҳон Берунийнинг Колумбдан салкам 500 йил бурун океан ортида катта қуруқлик бўлиши мумкинлигини башорат қилишида унинг математика, астрономия, география ва бошқа фанларга оид ниҳоятда кўп тадқиқотлар ўтказганлиги муҳим ўрин тутган албатта. У курси ҳажмининг ўлчашининг ўзига хос ва енг содда усулини ҳам Беруний топганлиги тасодифий эмас. У Хиндистонда эканлигида баланд бир тоққа чиқиб кўзи билан уфқ чизиги орасида ҳосил бўлган бурчакни ўлчagan. Олим ана шу бурчак ва тоғ баландлигидан фойдаланиб, ернинг радиуси ва айланасини ҳисоблаб чиққан. Берунийнинг шу тариқа ўлчab ҳосил қилган маълумоти ҳозирги замон маълумотларидан жуда оз фарқ қилади.

• Қоғозни бизнинг давримизнинг биринчи асрида хитойликлар кашф қилган. XVII асрда Эрон, ундан Арабистонга ўтган, кейин араблар қоғозни Европага олиб келишган. Тожикистондаги Муғ тоғидан топилган VII аср меросларининг кўплаб ҳужжатлари қоғозга ёзилган экан. Россияда биринчи қоғоз фабрикаси XVI асрда Москва ёнидаги Ивантаевка қишлоғида қурилган. 1716 йили Пётр I пойтахтга яқин ерда катта қоғоз фабрикасини қурдириган. Ҳозирги вақтда қоғознинг 600 дан ошқ хиллари бор. Унинг қиммати йил сайин ошиб бормоқда.

• Бирма давлатида галати тартиб жорий этилган. Яъни бу мамлакатда ҳар бир фўқаро компьютер масаласида қадамни ўйлаб босади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Чунки компьютерни давлат рўйхатидан ўтказмай фойдаланган кимса оз эмас, кўп эмас 15 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади.

• Японияда император буйруғи билан мактаб ўқув дастурига қизиқ бир ўзгариш киритилди. Яъни ҳар бир синфда сузиш бўйича машғулот ўтказилиши мажбурий тарзда белгилаб қўйилган. Аниқ айтганда, ҳар бир ўқувчи география, математика, тарих каби фанлар қатори сузиш бўйича ҳам мажбурий таълим олиши белгиланади.

• Жанубий Африка Республикасида туяқушлар мамлакатта катта даромад келтирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Ҳақиқатдан улар ҳар йили мамлакат ҳазинасига 100 миллион ранд, яъни 33 миллион доллар фойда келтиради. Шунинг учун ҳам бу ўлкада туяқушчилик фермерлари жуда кўп. Туяқушчилик мамлакат ҳазинасига даромад келтиришда олтин ювishi санаотидан кейинги ўринда туради. Ҳозир Исроил ва Зимбабведаги сингари ЖАРда ҳам мамлакатдан туяқуш ва унинг тухумини олиб чиқиб кетиш таъқиқланган.

• Австралияликлар меҳнат таътили ҳақида энг кам ўйлайдиган халқ бўлиб қиди. Махсус тадқиқот натижаларига кўра, аҳолининг 40 фоизи меҳнат таътилига чиқмай ишлаб келмоқда. 42 фоиз ишчи эса қисман таътилга чиққан.

• Даниялик олимлар нусха кўчирувчи ва кўп нусхада босувчи машиналарни текширувдан ўтказишди. Уларнинг фикрича, қурилма бир йил ишлагандан сўнг ўзидан озон гази ишлаб чиқара бошлар экан. Бу эса ўз навбатида одамларга, айниқса операторга ёмон таъсир қилиб, димоғини қичқитди, бош оғриғини келтириб чиқаради. Шунинг учун шифокорлар бу қурилмаларни йўлакларга, катта хоналарга ўрнатишни ва хонани тез-тез шамоллатиб туришни тавсия этмоқдалар.

• Британия тиббиёт журналида ўтказилган қизиқарли тажрибаларнинг натижаси эълон қилинди. Аниқланишича, кўпчилик шифокорлар тушуниб бўлмайдиган даражада ёзишар экан. Бундай илмий текшириш олиб боришнинг сабаби, беморнинг ўсиб бораётган тавшишлари бўлди. Тушунарсиз тарзда ёзилган дори қоғозларини хатто дорихоналарда ҳам ўқимолмаяпти. Юзлаб шифокорлар ўзларининг исмлари ҳамда 26 та лотин ҳарфи ва рақамлари ёзилган анкетани тўлдирини, шу билан бирга ўзларининг хатотликларини намойиш этишлари керак эди. Лекин шунга қарамай, махсус компьютер дастури орқали ҳам баъзи бир ҳарфларни аниқлашнинг имкони бўлмади. Аммо рақамлар хусусида бу фикрни айтиб бўлмайди, чунки уларнинг ҳаммаси аниқ эди.

• Ураллик санаотчи Демидов солиқ тўлашдан бош тортган. Бундай фикрга Уфа дарёси бўйидаги водийда қазиб ишлари олиб борган қадимшунослар дуч келишди. Олимлар, Нязяпетровск туманида XIII аср биринчи ярмига тааллуқли бўлган ҳайкалчада, қачонлардир Демидовга қарашли бўлган темир-тераск буюмлари заводи қолдиқларини топди. Ҳаробада кўплаб болганган металл предметлар, михлар, тақа, тоғ болгалари ва машина деталлари қолдиқлари бор экан. Демидовнинг ўз «Форд» машинаси ва замбаракли истехоми бўлган. Билишимизча улар шу йўл билан қўнманчилардан сақланишган. Олимлар ҳамма архивни титқилаб чиқишди, лекин бирон жойда ушбу топилган завод ҳақида биронта ёзувга дуч келишмади. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки Демидов ўзининг заводларини яширган ва Екатеринбург II га ўзининг даромадлари тўғрисида аниқ маълумот бермаган.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БУСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ХИКМАТЛАР

Улуғлик шартидир, ҳоқимлик нақши: Кичикларни бир-бир билмоқлик яхши.

Тахту мулк хатарда, кучаяр ҳариф, Шох бўлса тадбирда чўпондан заиф.

Кўлингдан келганча меҳнат қил, меҳнат, Меҳнатдан ёғилур бошинга раҳмат.

Ҳикоят

Бир итга дуч келди биров саҳрода, Ташналиқдан ётар жонсиз, афтода.

Дасторин аркондек қудуққа солди, Учига қаллогин боғлаб, сув олди.

Хизматга белини маҳкам боғлаб у, Мажолсиз кучуққа кўлдан берди сув.

Унинг бу ишдан топибон хабар, Қозидан гуноҳин сўрар пайгамбар.

Хушёр бўл, зулмдан қилгил андиша, Хафю карамни айлагил пеша.

Яхшилиқ муқофот топди итдан ҳам, Гар одамга қилсанг, бўлмас ундан кам.

Биёбонда қудуқ қазолмасанг, Боқ, Қабристонга кириб, битта чироқ ёқ.

Бойлик, амал келиб кетиши мумкин, Бўлганидек бирдан пийда фарзин.

Шердек топиб е-да, қолганин иргит, Одамсан, тулқидек ёмагил сарқит...

Ўзинг топиб егил дўст бирла боҳам, Ўзгалар сарқитин кўзлама бир дам.

Билак кучинг билан ишлабон ҳалол, Ҳиммат тарозуси ўлчаганин ол.

Мардлик ила топгил ўз роҳатингни, Бошқадан кўзлама фароғатингни.

Ёшлиқда тутга бил кексалар кўлин, «Кўлимни тут!» дебон тутмагил йўлин.

Қимдан енгил бўлар халқнинг заҳмати, Ўшанга ёғилар Худо раҳмати.

Қимда ҳиммат бўлса, унга ақл ёр, Ҳимматсизда на хуш ва на ақл бор.

Яхши ишга келур яхшилиқ жавоб, Яхшининг бошига ёғилар савоб.

Ўзи каби оддий инсон ишқидан Оромин йўқотар дилу қалбу тан.

Қундуз дилга фитна солур жамоли, Кечаси банд этар яна ҳавли.

Ишқига бир қадам кўйганин замон, Унут бўлар ундан ўзга кенг жаҳон.

Севгинг олдида зар тополмас кадр, Сенинг учун зару тупроқ барибир.

Ўзга ҳамдамлигин дилинг истамас, У бор жойга сиғмас бошқа бирор кас.

Кўларинг ичидан берасан манзил, Кўлар юмилганда манзилдир кўнгил.

На расво бўлишдан дилда мусибат, На бир дам тоқатга дилингда қувват.

Жон истаса, лабдан тутарсан жонни, Тигига тутарсан бош — саргардонни.

Ҳикоят

Эшитдим созанда созига бир кун Бир париваш тушиб кетганмиш ўйин.

Ошиқлар ўлтирар эди бўйни ҳам, Ўйинчи этаги куймиш тегиб шам.

Дод солиб, ҳар ёқни бузганда жонон, «Нима бўпти? — демиш бир дили вайрон. —

Сенинг этагинга ўт бўлса туташ, Менинг хонумоним куйдирмиш оташ.

Ўр эсанг, ўзингни унут-чи, қани? Биттадир ёр ила ошиқнинг тани».

Дилингда ишқ бўлса, мусиқа эмас, Туя қадами ҳам уйготар ҳавас.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Кўргазмалар

СЎНГИ ЮТУҚЛАР АКС ЭТГАН

ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА «ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК» 3-ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. УНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНИНГ «SSP—EXHIBITION» УНИТАР ҚОРХОНАСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ БОШҚАРМАСИ ҲАМКОРЛИҚДА УЮШТИРДИЛАР.

Тадбирда шаҳримиздаги 100 дан ортиқ ўқув муассасалари, хусусий ўқув марказлари, жумладан Москва, Астрахань, Тюмень давлат университетлари, Болтиқбўйи мамлакатлари Халқаро академияси сингари таълим даргоҳлари ўзларининг ўқув услубий



дастурлари, қўлланмалари, ютуқлари акс этган энг сара кўргазмалари билан қатнашмоқдалар.

—Кўргазмада қатнашишдан мақсадимиз энг аввало барча қатнашчиларга ва ёшларга ўқув муассасамиз ҳақида батафсил маълумот беришдир,—дейди


Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетининг ўқув ишлари бўйича проректори Саидносир Файзуллаев.— Кўргазма доирасида барча кизиқувчилар университетимизнинг факультетлари, улардаги шарт-шароитлар ва қулайликлар, кейинги йилларда эришилган ютуқлари ҳақида маълумот олиш билан бирга, талабаларимиз эришган муваффақиятлар ҳақида ҳам кенгрок тушунчага эга бўлишлари мумкин. Шунингдек, ўзимиз ҳам бошқа таълим муассасалари эришган ютуқлар билан яқиндан танишиш имконига ҳам мушарраф бўлмоқдамиз. Кўргазманингни яна бир қулайлиги шундаки, мактаб, ўқувчилари келажакда ўзлари кирмоқчи бўлган академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юрларининг мутахассис ўқитувчилари билан бевосита мулоқотда бўладилар ва ўзларини кизиқтирган барча саволларига муфассал жавоб оладилар. Бу эса келажакда ёшларимизнинг ўзлари севган ва танламоқчи бўлган касбларига нисбатан ўз ишончини янада мустаҳкамлайди.

—Мен бундай кўргазмаларда биринчи мартаба қатнашим,—дейди Учтепа туманидаги 123-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ойдин Ибрагимов.— Келажакда инглиз тили мутахассислигини эгалламоқчиман. Ўқув муассасалари фаолияти билан бирма-бир танишар эканман, танламоқчи бўлган мутахассислигимга бўлган қизиқишим янада ортди. Барча тенгдошларимнинг ушбу кўргазмада қатнашишларини жудаям хоҳлардим.

тилиб яшашга ундади. Янги-янги куч-ғайрат бағишлади. Даволаниб, ота-онамининг бағрига соғ-омон қайтганимдан хурсандман.

Дарҳақиқат, кўнгли ярим инсонларга ёрдам қўлини чўзиш, уларни келажакка бўлган ишончларини янада мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган бундай эзгу амаллар ўз натижасини кўрсатиши табиий. Даволаниб қайтган болаларнинг кўзларидан соғинч билан бирга ҳаётга бўлган қатъий ишонч, эртанги кун учун интилиш ҳиссини англаш қийин эмас. Биз уларнинг келажакда юксак шахслар бўлиб жамиятимизда ўз урнига эга бўлишига ишонамиз.

«Туркистон-пресс»



Кўргазмалар залининг иккинчи қаватида эса шаҳримизда фаолият кўрсатаётган ўнлаб коллеж ва лицейларнинг таълим йўналиши, иш услуби, турли хил кўргазмалар стендлари янада эътиборимизни тортди.

Кўргазма экспозициялари билан танишар экансиз, бугунги кундаги таълим жараёнидаги ишхотларнинг ижобий самараси билан янада яқинрок танишиш имкониятига эга бўласиз.

Гули ЧЕХРА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар.

GERMANYDA DAVOLASH KURSINI UTAGAN BIR GURUH BOLALAR «СОГЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ ВАКИЛИ БОШЧИЛИГИДА ЎЗ ОТА-ОНАЛАРИ БАГРИГА ҚАЙТДИ.

БОЛАЖОНЛАР ОТА-ОНАЛАРИ БАГРИДА

Уларни Тошкент халқаро аэропортида жамгарма вакиллари, ота-оналар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди. Жамгарма томонидан оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини

кўрсатмоқда, десак муболага бўлмайди.

—Авалло, мана шундай хайрли ишларни ташкил қилган ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман,— дейди бухоролик Камола Пулатова.— Бизга берилган эътибор, ҳурмат жуда юқори бўлди. Яратилаётган бу каби шарт-шароитлар мени янада кучли бўлишга, келажакка ин-

Футбол

ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ИККИНЧИ ГАЛАБАСИ

ТУРКИЯДА МАВСУМЛДИ ЎҚУВ-ЙИГИН МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗАЁТГАН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ АМАЛДАГИ ЧЕМПИОНИ «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИНИНГ КРАСНОДАРНИНГ «КУБАНЬ» КЛУБИ БИЛАН УЮШТИРИЛГАН НАЗОРАТ УЧРАШУВИДА 1:0 ҲИСОБИДА ГАЛАБАГА ЭРИШГАНЛИКЛАРИ МУХЛИСЛАРГА МАЪЛУМ АЛБАТТА. УШБУ БЕЛЛАШУВДА РАҚИБ ДАРВОЗАСИНИ ГЕЙНРИХ ИШҒОЛ ЭТГАНДИ.

Кўни кеча пахтакорчилар Австриянинг «Аустрия» жамоаси билан ўртоқлик учрашувида куч синатишди. Шуниси қувончлики, бу бахсда Равшан Хайдаров шогирдлари ажойиб ўйин намойиш этиб, Европанингомдор жамоасини йирик — 6:1 ҳисобида мағлуб эта олишди. «Пахтакор»дан рақиб дарвозасига тўларни Фарҳод Тожиёв (2 та), Рустам Аъзамов ва Нодир Қўзибоев (3 та) йўллашга муваффақ бўлишди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензия мавжуд (тавсиф қилинадиган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

Тендерга қуйидаги йўналишлар қўйилади:

1.2008 йил 27 март соат 10.00 да

1.	13	«Бирлик мавзеси— Пахтакор метроси АШБ»	Дамас
2.	29	«Ўзбекфильм» — Ўрикзор» мавзеси»	Микроавтобус
3.	32	«Пахтакор» метроси АШБ — Бешқўрғон маҳалласи»	Дамас
4.	34	«Пахтакор» метроси АШБ—5 юқумли қасаллиқлар шифохонаси»	Дамас
5.	36	«Ал Хоразмий мавзеси —«Пахтакор» метроси АШБ	Микроавтобус
6.	43	«Хумоюн» мавзеси — Машинасозлар АШБ	Микроавтобус
7.	56	«Учтепа ҳоқимияти — Ал-Хоразмий мавзеси»	Микроавтобус
8.	59	«Кўйлик М2 АШБ—Авиасозлар шаҳарчаси»	Дамас
9.	60	«Кўйлик М3 АШБ —«Чорсу» савдо маркази АШБ»	Микроавтобус
10.	64	«Кўйлик-1» даҳаси АШБ — «Шаҳло» кафеси	Дамас
11.	76	«ТТЗ АШБ — Уйғур кўчаси АШБ»	Микроавтобус
12.	84	«Кўйлик М1» АШБ — «Фарҳод» бозори»	Микроавтобус
13.	87	«Чилонзор 30-даҳаси — Қорақамиш 2/4 мавзеси»	Микроавтобус
14.	90	«Беруний АШБ — Юнусобод 15-даҳаси»	Автобус
15.	97	«Юнусобод 10-даҳа — Кадишев АШБ»	Микроавтобус
16.	110	«Ибн Сино АШБ» — Олой бозори АШБ»	Микроавтобус
17.	121	«Чорсу» савдо маркази АШБ-Жомий кўчаси	Дамас
18.	135	«Улугбек кўрғони — М.Юсуф кўчаси АШБ»	Микроавтобус
19.	142	«Шифокорлар шаҳарчаси АШБ — «Чорсу» савдо марк. АШБ»	Дамас
20.	8И	«Кўйлик М2 АШБ — Чилонзор буюм бозори»	Микроавтобус

Тендер ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.

Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан бюртманомаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.

Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Санот Қурилиш Банкнинг Амалиёт Бўлими»даги 20210000604197971001 х/р (банк коди 00440, СТИР 204094453, ХХТУТ 51600)га 54100 сўм ўтказилади.

Тендер таклифларини қабул қилиш тендер ўтказиладиган кундан бир кун олдин (соат 17.00 да) тўхтатилади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.

Маълумот учун телефон рақами: 233-89-58

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидега ўтказилди

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Савдога Тошкент шаҳар Миробод тумани суд ижрочилири бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 28.03.2007 йилдаги 10-0720/1191-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани, Нилуфар кўчаси, 28-уй манзилида жойлашган умумий майдони 53485 кв.м, бўлган, ўн битта бино ва тўққизта иншоотлардан иборат, «Сифат» ЛКАЖга тегишли «КАРКАС» заводининг бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси 300 206 400 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 1 апрел кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Кўчмас мулклар билан туман суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Ушбу савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ-Ипотеканга С.Рахимов ф-даги қўйидаги ҳисоб рақамига тўланиши шарт. МФО: 00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил Тошкент ш., С.Рахимов т., М.Ўразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.www.rkmb.uz

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

Сиз ҳуқуқ-тартибот ва қонунчилик бузилишига оид ҳар қандай масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқармаларининг навбатчилик қисмларига қуйидаги «Ишонч телефонлари» орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Мурожаат этган шахснинг исми, шарифининг сир сақланиши кафолатланади.

«Ишонч телефонлари» рақамлари:

- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-371) 233-39-39
- Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (8-361) 222-56-76
- Тошкент шаҳар Ички ишлар бosh бошқармаси (8-371) 232-03-30
- Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-374) 224-87-50
- Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-365) 224-64-86
- Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-372) 226-03-02
- Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-436) 223-06-71
- Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-369) 226-60-55
- Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-366) 233-00-00
- Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-367) 225-33-30
- Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-376) 227-25-51
- Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-371) 264-18-32
- Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-373) 224-29-08
- Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-362) 226-37-10
- Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси (8-375) 221-82-45
- Транспорт Ички ишлар бошқармаси (8-371) 252-61-39



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Буюртма Г-106

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Наир кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4061 нусxada босилади. Қозғал бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақлаланди. «Шарқ» нашрийет-матбоа олиқдорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.